



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№24 (54) 13.06.2019 йил

Халқаро фестивал



Куйимизсан, замондош!

(Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтаётган “Сени куйлаймиз, замондош!” Ўзбекистон театрларининг V кўрик фестивалидан репортаж)



Бугун юртимизнинг қайси бир соҳасини олиб қарамайлик, унда қўлни-қўлга бериб, ахилликда, бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган юртдошларимизни кўраемиз. Улар қайси соҳада фаолият олиб бормасин, бир мақсад — юртимиз тинчлиги, ободлиги, унинг тараққий топиши ва албатта эртанги куни учун меҳнат қилишмоқда. Том маънода улар бугунги замон қаҳрамонларидир.

Мана шу инсонлар қаторида соҳа ривож учун бор куч-ғайратини аямай меҳнат қилаётган маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳам бор. Улар ўз меҳнатларининг сарҳисоби сифатида турли байрам тадбирларини халқимизга тақдим этишмоқда.

Ўзбекистон театрларининг “Сени куйлаймиз, замондош!” деб номланган V Республика кўрик-фестивалига бу йил Қорақалпоғистон Республикаси мезбонлик қилмоқда. 10 июнь куни меҳмонлар ва фестивал иштирокчилари Нукус темир йўл вокзали ва Броиллер йўл патрул хизмати постида тантанали равишда кутиб олинди. Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири Қ.Турдиев ва соҳа вакиллари, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

2011 йилдан ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиб келинаётган мазкур фестивалнинг асосий мақсади Ватанимиз мустақиллигини, миллий қадриятларимиз ва юртимизда олиб борилаётган улкан бун-

ёдкорлик ишларини тараннум этгувчи, юртимиз тинчлиги ва ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз образлари акс этган замонавий мавзулардаги, бугунги тошабин талаби ва дидига мос спектакллари яратиш, ўзаро тажриба алмашиш ва тошабинларимизни ўзбек театр санъатининг энг сара намуналари билан таништиришдан иборат.

Бу йилги фестивалда Тошкент шаҳридан Ўзбекистон давлат драма театри, Ўзбекистон давлат академик рус драма театри, Қорақалпоғистон Республикасидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыкали театри, Қорақалпоқ давлат Ёш тошабинлар театри ва Андижон, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларининг республика театрлари спектакллари билан иштирок этишмоқда.

– Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасида, шу жумладан, Мўйноқ туманида амалга оширилаёт-

ган кенг кўламли ислохотлар даврида бундай кўрик-фестивалининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади, – дейди Қорақалпоқ давлат ёш тошабинлар театри директори, Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби Пўлат Айтмуратов. – Ижодий жамоамиз фестивалда “Мўйноқда бахтнинг тонглари отди” ва “Турна парлари” спектакллари билан иштирок этапти. Албатта спектаклларимиз тошабинларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Фестивалнинг очилиш маросими Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик музыкали театрида бўлиб ўтди. Дастлаб меҳмонлар театр олдида қад қўтарган ўтовларда бўлиши, сўнг қорақалпоқ миллий хунармандчилик намуналари ва расомларнинг ижодий ишларидан ташкил қилинган кўргазмани томоша қилишиди. Барча ташриф буюрганларни хушовоз бахшилар ва театрнинг симфоник оркестри ажойиб куй-қўшиқлари билан кутиб олди.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Тарихий ҳақиқатлар гувоҳи



8-саҳифада >>

Гулоро РАҲИМОВА: “Санъатни танлаганим учун кўп дакки еганман...”



5-саҳифада >>

Беш ташаббус ижроси: Ютуқлар, муаммо ва камчиликлар

4-саҳифада >>



Донолар сузлайди...

Гапирмаган гапинг ичингда ниҳон,
Ҳар томон ёйилар айтганинг замон.
Фирдавсий

Ҳар киши девона бўлса бегумон,
Кунгли не истар, уни айлар баён.
Фариддин Аттор

Яшаш ҳаракат қилмоқ
демақдир.
А. Франс

Дунё – илон, илонбоздур дунё қидирган,
Илонбоздин қасдин олур илон оқибат.
Рудакий


» Фуқаролар қабули

Таклиф ва мурожаатлар тингланди

Жорий йилнинг 8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди. Қабулда турли масалалар юзасидан мурожаат қилган Динара Йўлдошева, Ботир Бах-

риддинов, Лутфия Маназарова, Камол Абдуллаев, Гавҳар Матжоновна, Адиба Шариповаларнинг иш билан таъминланиш, маданият соҳасидаги тизим ташкилотларининг ривожланиши йўлида янги ғояларни жорий

этиш бўйича таклифлари тингланди. Барча таклиф ва мурожаатлар юзасидан тегишли бошқарма бошлиқларига уларни ижобий ҳал қилиш учун тегишли топшириқлар берилди.



» Танлов

Ёш истеъдодлар учун имконият

12 июнь куни Ўзбекистон давлат консерваториясида ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлари, академик лицейлар ёш ижодкорлари республика танловининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков очиб берди.

Маданият вазирилик ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси раҳбарияти ҳамкорлигида ташкил этилган танловда консерватория талабалари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлари, академик лицейларнинг ўқувчиларидан иборат кўплаб ёш истеъдод соҳиблари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Танлов ўн кун давомида пойтахтда жойлашган ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейларда бўлиб ўтади. Унда иштирокчилар устозлар ҳузурда 75 та номинация бўйича ўз маҳоратларини намойиш этади. Ушбу танлов ёш истеъдод соҳибларига том маънода кенг имконият бериши билан аҳамиятлидир. Яъни унда иштирок этаётган ёш ижроичилар келгусида Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ўқишга кириш учун бир қанча имкониятларни қўлга кiritиши мумкин.

» Анжуман



Сахро симфонияси

12 июнь куни Маданият вазириликнинг анжуманлар саройида Ўзбекистоннинг бешта шаҳрида 18-27 июнь кунлари ўтказиладиган катта мусикий лойиха — "OPEN AIR. SAHRO SIMFONIYASI" муносабати билан ОАВ ва соҳа вакиллари учун анжуман ташкил этилди. Икки йилдан буён ўтказилиб келинаётган ушбу анъанавий лойиха Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг жонли концертлари ва миллий эстрада санъатининг моҳир ва ёш санъаткорлари чиқишларидан иборат бўлади.

Анжуманда лойиха бўйича ушбу тадбир Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрида И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи ёнидаги марказий майдонда бошланиши таъкидланди. Сўнг мусиқа карвони концертлар билан Хива, Термиз, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий ва санъат майдонларида давом эттирилди.

Барча майдонларда лойиха учун ташкил этилган концерт заллари, 3000дан 5000 гагача ўриндиқлар, мусиқавий чирок ускуналари билан асатилган сахна, шаҳарнинг ўзига хослигини акс эттирувчи визуал экранлар қурилиши режанинг асосий қисmidир.

Концерт дастурларининг ҳар бири вилоятларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида тузилади. Маданият вазирилик матбуот қотибнинг таъкидлашича, унда мумтоз асарлар, машҳур романтик куйлар ва опера мусикалари, фильмлар мусикалари, рақс композицияларининг асл танловлари, томошабинлар учун қутилмаган соғва ва яна кўплаб қизиқарли "тухфа" ларни камраб олган беш турдаги шоулар ўтказилади.

Ушбу лойиха Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон давлат филармонияси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимиятлари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

А.МЎМИНОВ
Муаллиф олган сурат

«Давоми. Боши 1-саҳифада»

Куйимизсан, замондош!

Фестивалнинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари А.Ҳамраев ва Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти О.Назарбеков сўзга чиқиб, барчани театрлар байрами билан самийи муборакбод этаркан, фестивалнинг мақсади ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтишди. Маросим Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган санъат усталарининг концерт дастури билан давом этди. Шундан сўнг меҳмонлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри жамосининг "Жамила" спектаклини томоша қилишди.

— Олдингиларига қараганда бу йилги фестивал кўлами кенглиги билан ажралиб турибди, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Дилфуза Раҳматуллаева. — Фестивалга олиб келинаётган спектаклларнинг даражаси юқори. Энг асосий жиҳати — фестивал доирасидаги спектаклларнинг халқ орасига кириб бораётганида. Бу йил вилоятлардан келган ижодий жамоаларнинг туманларга сафарлар уюштириши алоҳида эътирофга лойиқ. Бу дегани театр ўзининг асосий вази фасини бажармоқда.


Фестивалдаги ilk намойиш Ўзбекистон давлат драма театрининг "Ер барибир айланаверади" спектакли бўлди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида намойиш этилган мазкур сахна асарига инсоний туйғулар ва муносабатлар тўқнашуви, нима бўлганда ҳам ҳаёт давом этиши ҳақидаги ғоялар илгари сурилади.

— Таниқли ижодкорлар иштирокидаги сахна кўриниши юртимизда театр санъатининг нечоғли ривожланаётганини билдиради, — дейди талаба М.Бегниязов. — Мазкур спектакль мени руҳлантирди, тушунликдан чиқиб йўлларини ўргатди.

Шундан сўнг Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг "Она юраги" деб номланган спектакли намойиш этилди. Юртимизда ёшларнинг онгини, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар хил диний ва экстремистик оқимлар таъсиридан йироқлаштиришга қаратилган спектакль барчани оғохликка чорлайди.

Ҳар бир спектакль намойишидан сўнг фестивал иштирокчилари, санъат усталари, ёзувчи, драматург, шоирлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб боришмоқда.

Театр ижодкорлари Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейига ҳам саёҳат қилишди. Улар



"Сахро Луври" дея тан олинган бу даргоҳдаги бебаҳо экспонатлар, қорақалпоқ халқининг миллий хунармандчилик намуналарини, маҳаллий ва хорижий рассомларнинг асарларини томоша қилишди. — Дунёга машҳур бу музейни қанча томоша қилсангиз ҳам, чарчамайсиз, — дейди Фарғона вилояти мусиқали драма театри артисти Гулнозахон Усмонова. — Шахсан мени қорақалпоқ халқининг миллий хунармандчилик намуналари, заргарлик буюмлари, қорақалпоқ кизларининг "Кўк кўйлаги" алоҳида эътиборимни тортиди.

Музей саёҳатидан сўнг меҳмонлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида ижодий жамоанинг "Саховат боғи" спектаклини томоша қилишди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси А.Утениязовнинг ҳаёт йўлига бағишланган мазкур спектакль барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрининг "Жамила" ва "Саховат боғи" спектаклларини томоша қилдик, — дейди Андижон вилояти мусиқали драма театри режиссёри Исақжон Эргашев. — Тўғриси айтсам, мена иккала асар ҳам катта таассурот қолдирди. Режиссёрлик иши, актёрлар ижроси, сахна декорацияси... барчаси таҳсинга лойиқ. Умуман, қорақалпоқ халқи жуда меҳмондўст, уларнинг самийилиги, эътиборидан миннатдоримиз. Фестивалда барчага омад тилаймиш!

Анжуманнинг иккинчи куни ҳам академик театр сахнасида Қашқадарё вилояти мусиқали театрининг "Хушвақт" спектакли намойиши билан бошланди. Спектаклдан сўнг иштирокчилар Қорақалпоқ давлат Ёш томошабинлар театрида мазкур театрнинг "Турна парлари" спектаклини томоша қилишди.

Эрта тонгдан Самарқанд вилоят мусиқали драма театри жамоаси янгилиниш ва ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган Мўйнок туманига йўл олишди. Тумандаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида уларни туман ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари тантанали кутиб олишди. Мактаб залида театр жамоси туман аҳолисига "Она юраги" спектаклини намойиш этишди.

— Туманимизга, айниқса, мактабимизга бўлган бундай ижодий сафарлар ўқувчиларнинг санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириб, устоз санъаткорлар билан бўлган мулоқотлари улар учун маҳорат мактаби вази фасини бажаради, — дейди мактаб директори Наргиза Жамолова. — Мўйноқда кизгин бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган бир пайтда туман аҳолисига маданият ҳордиқ бағишланган

Самарқанд вилояти мусиқали драма театри жамосига миннатдорчилик билдиради!

Спектаклдан сўнг фестивал иштирокчилари Мўйнок экология музейини, эски кемаулар мажмуасини томоша қилишди.

— Бу ердаги ўзгаришлар бизни лол қолдирди. Жуда хурсандимиз, Мўйнок ишониб бўлмас даражада ўзгарган. Ҳаммининг кўзига ҳаёт чакнапти. Бу бизни тўлқинлантириб юборди, — дейди Самарқанд вилояти мусиқали драма театри директори Камолiddин Қоржовов.

Шу кунги Ўзбекистон давлат академик рус драма театри жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирилик ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан Нукус темир йўл вокзалида тантанали кутиб олинди.

Кечкурун меҳмонлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг "Заминдан олиш кетма" спектаклини томоша қилишди.

12 июнь куни эса Қашқадарё вилоят мусиқали театр жамоаси Эллиққалъада, Сирдарё вилояти мусиқали драма театри Чимбойда, Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри эса Тахтақўпир туманларида ижодий сафарда бўлишди. Шунингдек, Қорақалпоқ давлат Ёш томошабинлар театрида Андижон вилояти мусиқали драма театрининг "Муножот", Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида Фарғона вилояти мусиқали драма театрининг "От минган аёл" спектакллари намойиш этилди.

Гулмира ПОЛВОНОВА,
санъатшунос журналист.
Азиз ПИРЛЕНОВ
олган суратлар
"Маданият" газетаси учун
Қорақалпоғистондан махсус
тайёрланди

» Ташаббус-2019»

Вилоят босқичи бўлиб ўтмоқда



Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли истироҳат боғида Президент соврини учун «Ташаббус-2019» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросими шаҳардаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг

биринчи ўринбосари Ж.Уроқов иштирок этиб, барча қатнашчиларга омад тилади.


Халқ сайли тарзида ташкил этилган мазкур кўрик-танловда вилоятдаги қўшма корхоналар, хусусий тадбиркорлар, хунармандлар ва фермерлар ўз маҳсулотлари

билан иштирок этмоқда. Тадбир доирасида турли маданий чиқишлар, концертлар намойиш этилмоқда. Вилоят мусиқали драма театри актёрлари ҳам ўзларининг кизиқарли чиқишлари билан барчага хуш кайфият улашмоқда.



» Ташаббус ижроси амалда

Водий наволари янгради



8 июнь куни Андижон шаҳридаги «Регистон майдони»да вилоят зарбли чолғу ва карнай усталари иштирокида «Водий наволари» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 мартдаги «Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида»ги мажлиси баёнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда Андижон вилоятидаги барча зарбли чолғу ва карнай усталари иштирок этишди. Байрам якунида уларни Андижон вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Мархабо Саттарова бошқарманин

Завқли онлар – қалб малҳами



8 июнь куни Ўзбекистон давлат филармониясининг Андижон вилоят бўлинмаси Жалакудук туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Дилдан кетмас наволар» деб номланган навбатдаги концертини намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда Андижон вилоят бўлинмаси ашула ва рақс ансамблининг хонанда, созанда ва раққосалари Жалакудук туманида истиқомат қилаётган санъат илхоммандларини хушнуд этиб, олқишларига сазовор бўлдилар.

» Вилоят театрлари ҳаётдан

Ижодий сафар

Андижон вилояти Ёшлар театри жамоаси вилоятнинг шаҳар ва туманлари бўйлаб ижодий сафарини бошлади. Жамоа дастлаб Балиқчи ва Улуғнор туманларида бўлиб, театр илхоммандлари ва ёш томошабинлар учун Маннон Ҳамидовнинг «Сўнмас юлдуз» асари асосида саҳналаштирилган «Меҳр қолур» спектаклини намойиш этишди.



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти ҳақидаги саҳна асарида Гулбахор Жўраева, Барно Мирзақаримова, Воҳид Турдиев, Сойибжон Мирзаев, Улуғбек Фафоров, Лутфулло Йўлдошев, Ўткирбек Шукурнов, шунингдек, ёш истеъодлар — Азизилло Назиров ва Муштарий Комиловалар ижро этган образлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ижодий сафар Пахтабод ҳамда Избоскан туманларида давом этади.

Д.ВОХИДОВ,
театр директори ўринбосари

Ўқувчилар учун байрам кечаси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг шу йилнинг 30 апрель-1 май кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, жойларда маънавий-маърифий кечалар, учрашув, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлар 7 июнь куни вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида Кизирик туманидаги 12-, 68-умумий ўрта таълим мактабларида ҳам ўтказилди. Ижодий ишлар ва расмлар кўргазмаларини ҳам ўз ичига олган тадбирда Термиз ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси Жамшид Турсунов ўз куй-қўшиқлари билан барчага завқ улашди.

«Бўғирсоқ» ёшлар театр студиясига айланди

Президентимиз илгари сурган ташаббуслар ижроси доирасида, Фарғона вилояти Фурқат туман маданият бўлими қошида шакллантирилган «Бўғирсоқ» ҳаваскорлар театри эндиликда ёшлар театр студиясига айлантирилди. Ўқув йили якунида «Ифтихор» театр-студияси-

да саҳналаштирилган «Зумрад ва Қиммат» эртаги болалар боғчалари ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун намойиш этилди.

27 май куни тумандаги марказий ўйингоҳда Абдужалил Қўнонов, Тоҳир Маҳқамов, Шахло Маҳмудова каби эл ардоғидаги санъаткорлар

ҳамда «Тоҳир ва Зухра» гуруҳи иштирокида катта хайрия концерти ўтказилди. Бу тадбир ҳам ёшларни санъатга жалб этиш, уларнинг бўш вақтини унумли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Раънохон ИСМОИЛОВА,
Фурқат тумани маданият бўлими мудири

» Вилоят кўзи ожизлар кутубхоналарида

Аудио-китоб тақдимоти

31 май куни Сурхондарё вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ва Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Термиз шаҳар бўлинмаси қошида ташкил этилган овоз ёзиш студиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва манфаатдор вазирликлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олган ахборот материаллари» аудио-китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ЎзКОЖ Термиз шаҳар ва туман бўлимлари раислари ва бўлимлар аъзолари, кутубхона ходимлари ҳамда фаол китобхонлар иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори Н.Боймуродов, кутубхона ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳ.Исломуқовлар сўз олиб, ушбу кутубхона ва ЎзКОЖ Термиз шаҳар бўлинмаси қошида ташкил этилган овоз ёзиш студияси тақдим этган аудио-китобнинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

» Давра суҳбати

Давлат дастурини ўрганамиз

Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси вилоят ахборот-кутубхона маркази, Урганч давлат университети қошидаги ахборот-ресурс маркази, 121-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат кутубхонаси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, туман ташкилот бўлинмалари билан ҳамкорликда китоб кўргазмалари, учрашувлар, давра суҳбатлари каби турли тадбирларни ўтказмоқда.

Жумладан, вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлимида ахборот кутубхона маркази билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди. Унда бир гуруҳ китобхонлар, ЎзКОЖ Урганч ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари ва фаол ёшлар иштирок этишди.

«2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурини ўрганамиз» деб номланган мазкур тадбирда вилоят ах-

борот кутубхона маркази томонидан чиқарилган ва янги адабиётлар билан тўлдириб борилаётган «Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади» деб номланган китоб кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Арқавой ЖОНИБЕКОВ, вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири.

БМСМларида

Ўқувчилар ютуқларга эришмоқда

Самарқанд шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари республика миқёсидаги танловларда фаол катнашишмоқда. 1-4 июнь кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтган академик ва эстрада ижрочилиги республика кўрик-танловида кларнет синфи ўқувчиси Сардор

Миркамоллов дамли чолғулар йўналиши бўйича II ўринни, гобой синфи ўқувчиси Ахтем Белялов II ўринни қўлга киритишди.

С.Миркамоллов шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган “Санъат гунчалари” XXI Республика танловида ҳам III ўринни эгаллаган эди. Мазкур ютуқлар Президен-

тимизнинг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ҳамда 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистонда миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ижроси натижасидир.



Беш ташаббус ижроси



Ютуқлар, муаммо ва камчиликлар

10 июнь куни маданият вазири Б.Сайфуллаев вазирлик марказий аппарати ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси асосида амалга оширилаётган ишлар натижаларига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббусини Тошкент вилояти Бўка туманида жорий этиш бўйича Маданият вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда истеъдодли ёшлар ва ташаббускор тадбиркорларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадий ҳаваскорлик жамоалари, “Ёшлар” театр студиялари ва “Ёшлар клублари”ни ташкил этиш юзасидан қўшма қарор лойиҳасини режага киритган. Йиғилишда бу ҳақда маълумот берилди.



Шунингдек, мақом санъатини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида берилган топшириқларга эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда бу топшириқлар асосида Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳузурида Мусиқали мақом театрини ташкил этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди.

Тегишли бошқармаларга болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги ўқитувчилар иш ҳақини умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлигига тенглаштириш тўғрисида қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилиш давомида маданият вазири Ўзбек мумтоз қўшиқчилигининг энг ёрқин юдузларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти, устоз санъаткор Ортик Отажонов номини абадийлаштириш таклифини илгари сурди. Ушбу таклиф асосида О.Отажонов яшаб ижод қилган маскандаги махсус санъат коллежига Ортик Отажонов номини бериш бўйича вазирликнинг тегишли бошқармасига топшириқлар берилди.

Шунингдек, соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг шакллантирилиши ҳолати, ижро интизоми ва бошқарувда амалга оширилаётган ишлар бўйича муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинди.

Концерт



“Сени мадҳ этаман, Ўзбекистоним!”

Кўхна Термиз шаҳрида ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, ушбу санъатни тараққий эттиришнинг ҳуқуқий асоси ва амалиётга жорий этишнинг механизми яратилди.

“Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорда бахшилар ижодини кенг тарғиб қилиш, улар иштирокида бадий кечалар, давра суҳбатларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг концертларини мунтазам уюштириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 8 июнь куни “Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази томонидан “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда “Туркистон” санъат саройи ҳамкорлигида “Сени мадҳ этаман, Ўзбекистоним!” деб номланган концерт намойиш этилди.

“Концертни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад юртимизда ўзининг ижодий изланишлари, тинимсиз меҳнатлари билан ёш авлодга намуна бўлиб келаётган бахшиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, устоз-шогирд аъналарини ривожлантириш, устоз бахшилар билан ёш бахшилар ўртасида ўзаро ижодий кўприк яратиш, шунингдек, бахшилар ижросидаги дostonларни соғинган муҳлисларга кўтаринки кайфият улаштиришдан иборат”, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров.

Концертда Ўзбекистон халқ бахшилари — Халқаро бахшичилик санъати фестивали I-ўрин соҳиби Абдуназар Поёнов, 3-ўрин соҳиби Гулнара Алламберкенова, Қаландар бахши Норматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отaxon Матёкубов, ёш бахшилар — “Нихол” мукофоти совриндори Феруз Норматов, “Замонавий бахши” номинацияси голиби Ахрор бахши Хушвақтов ҳамда таниқли эстрада хонандалари, ашула ва рақс ансамбллари иштирок этдилар.

Нилуфар КАРИМОВА,

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлим мудир

Туризм

Маданият ходимлари зиёратда

9 июнь куни Навоий вилоятидаги бир гуруҳ маданият ходимлари Нурота туманида жойлашган “Нурота чашмаси” зиёратгоҳида бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган мазкур саёҳат давомида ходимлар зиёратгоҳидаги Нурота давлат музейи, “Шайх Абул Ҳасан нури”, “Нурота чашмаси” каби бир қанча қадимий ёдгорлик ва мақбараларнинг тарихи билан танишиб, қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар ва янгидан барпо этилаётган “Нурота” меҳмонхонаси ҳамда дам олиш хиёбонларини томоша қилдилар.

Л.ҲАКИМОВА



Танлов

Ёш созандалар диплом билан тақдирланди

1-4 июнь кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик ва эстрада ижрочилиги бўйича республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Андижон вилояти Избоскан туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 3 нафар — дамли ва зарб-ли чолғулари бўлими труба синфи ўқувчиси Шукрулло Мамасолиев, саксафон синфи ўқувчиси Бехруз Набиев ва академик вокал синфи ўқувчиси Хамроз Мўминовлар ҳам иштирок этиб, фахрий ёрлик ва дипломлар билан тақдирланди.



Консерватория докторантга президент совғаси



3 июнь куни Тошкент шаҳар Сергели туманида Рамазон ҳайити муносабати билан турли соҳа вакиллари, шу жумладан, бир гуруҳ зиёлиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев совғалари — янги уйлар топширилди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-йил таянч докторанти (PhD) Хумоюн Ҳайдаровга ҳам Президент совғаси — уй совға қилинди. Таянч докторант Х.Ҳайдаров 2010 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясининг композитор, муסיқашунос, фортепиано факультети бакалавр босқичини, 2012 йилда магистратура босқичини муסיқашунос мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2012-2018 йиллар давомида Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейида фаолият юритган.

Бизнинг суҳбатдош

Ўзбекистон халқ артисти Гулуро Раҳимова 46 йилдан буён Хоразм вилоят театрида хизмат қилиб келади. Бу давр ичида актриса “Лайли ва Мажнун”да — Лайли, “Шоҳсанам ва Ғариб”да — Шоҳсанам, “Ибн Сино”да — Саидбеғим, “Беруний”да — Гулсанам, “Йўлчи Юлдуз”да — Гулсанам, “Майсаранинг иши”да — Майсара, “Нурхон”да — Нурхон ролларини ижро этиб, томошабинлар меҳрини қозонди. Ёшлик шижоати ва меҳнат завқи қалбини ҳамон тарқ этмаган Гулуро опа яқинда қайта саҳналаштирилган “Шоҳсанам ва Ғариб” спектаклида Шоҳсанамнинг онаси ролини талқин этди.

Гулуро РАҲИМОВА:

“Санъатни танлаганим учун кўп дакки еганман...”

БОЛАЛИКДАН ҚИЗИҚАНМАН, АММО...

Санъатга ёшлигимдан, мактаб пайтларимдан қизиқа бошлаганман. Туманларда ташкил этилган турли санъат танловларида, вилоят босқичларида ҳам 1-ўринни олиб, Тошкентда, республика босқичида ҳам қатнашардим.

Онам раҳматли ҳам қўшиқ айтишни яхши кўрардилар, ҳатто кетмон чопган пайтларида ашула айтсалар, у кишининг овози 3 километр наридаги одамга эшитиларкан. Отам теллақ, пўстин тикканлар. Уларга баъзан мен ҳам ёрдамлашардим, ҳатто теллақ ҳам тика оламан. Отамнинг яна бир хусусиятлари бор эди — бели, қўли чиққан инсонларни ҳам тузатарди, синиқчи эди.

Мактабни битиргач, педагогика институтига рус тили ва адабиёти йўналиши бўйича ўқишга кирдим. Ўқиш давомида ҳам тўғарақларга қатнашишни канда қилмаганман.

Институтни тамомлагач, муסיқа билим юртига педагог бўлиб ишга бордим. Ўша пайтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдушариф Отажонов билим юртининг директори эдилар. У киши турли тўғарақларга бориб юришимни билардилар ва бир куни “Шундай овозингиз бор, келинг, муסיқа билим юртига ўқишга кириг”, — дедилар. Шу тақлиф сабаб, вокал бўлимига ўқишга кирдим. Билим юртини тамомлаганимда, Ўзбекистон давлат консерваториясига йўлланма беришди. Консерваторияга, Саодат Қобулованинг синфига имтиҳонсиз ўқишга кирганман. Оз мuddат ўқиганимдан сўнг бу таълим даргоҳида ишлайдиган бир рус аёл овозим бу синфга мос тушмаслигини айтиб, ўзининг синфига қабул қилган.

Ўша даврларда Хоразм театрида овозли хонандалар етишмасди. Шу сабабли мени маданият бошқармаси бошлигининг тақлифига биноан Хоразм муסיкали драма театрига олиб кетишди. Мана, шундан буён театрда, халқимиз хизматидаман.

ОИЛАМ ҲАҚИДА

Турмуш ўртоғим билан танишиб қолишимиз қизиқ кечган. У киши бир ошнасининг тақлифига асосан Хоразмга келиб, Хивани айланиб юрганида, мени учратиб қолган экан. Ўша дамда нон ёпаётган эдим, қарасам, олдимга чиройли, келишган бир йигит келди. Танишиб қолдик, гаплашдик, унга театрда ишлашимни айтди. Унга ва томошага тақлиф қилдим. У спектаклга келди ва бирга уйга қайтдик. Кейин ҳар куни келадиган бўлди. Сўнгра бир-биримизни ёқтириб оила қурдик. Икки фарзандли бўлдик. Яхши инсон эди, афсус, умри қисқа экан, 2014 йилда вафот этди...

Қизим Успенский номидаги махсус муסיқа мактабини, сўнгра консерваторияни битириб, пианино бўйича ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Ўғлим жисмоний тарбия факультетини тугатгач, кинематография билим юртига ўқишга кириш мақсадида Россияга кетди, чунки санъатга қизиқиши бор эди, барабан чаларди. Ҳозир қизим ҳам ўғлим билан бирга. Айни пайтда ўғлим оилали, 4 нафар набирам бор.

ИЖОДИМНИНГ ЭСДА ҚОЛАРЛИ ЙИЛЛАРИ

30-40 ёшлик пайтларимни кўп эслайман. Чунки ўша пайтларда барча ролларни моҳиятини тушуниб ўйнаганман. 50 ёшимдан яққоҳон сифатида қўшиқ айтишни бошладим, биринчи марта Мустақиллик байрамида ашула айтганман, шундан сўнг барча байрамлар ва тадбирларда қатнашадиган бўлдим.

Ўтган йили ташкил қилинган мақом фестивалида Хоразм мақомчилари билан биргалик-

да қўшиқлар қуйладик. Тарғибот гуруҳлари билан юртимизнинг энг чекка қишлоқларигача бориб, ўз санъатимизни намойиш этиб, халқимизнинг кўнглини кўтариб, қалбини шодликка тўлдириб юртимиз.

МУТОЛАА — ЖОНУ ДИЛИМ

Театрда ишлаганим боис, кўп китоб ўқийман. Уйда ўзбек ва жаҳон адибларининг китобларидан кутубхонам бор, Шекспир асарлари — энг сеvimли китобларим. Роль ижро этишдан олдин уларга кўз югуртириб чиқаман. Бу асарлар менга илҳом бағишлайди.

Собиқ иттифок даврида жаҳон дурдоналарини топиш жуда қийин эди. Бу китобларни рухсатнома асосида, ҳоким орқали олиш мумкин эди. Институтда ўқиб юрган пайтимида рухсатномага ёзилиб қолганим энг катта ютуғим бўлган. Драйзернинг асарларини соғинч билан кутганман. Унинг асарлари жудаям таъсирли. Аммо бутунги одамларда китобга қизиқиш кам. Мен йиққан китобларимни кимдир ўқиса, фойдаланса, дейман. Набираларим ёзи таътилда келишганида, “Бувижон, шунча китобни бизга йиққан экансиз”, — деб, хурсанд бўлишди ва китобдан бош кўтаришмайди. Шунгаям қувонаман.

БУ КУНЛАРГА ЕТИШ ОСОН БЎЛМАГАН...

Мустақиллик байрамига борганимизда, бизни меҳмон қилишди. Сўнгра шу ерда вилоятимиз ҳокими Рўздат Жуманиёзов “Ўзбекистон халқ ҳофизига Гулуро Раҳимова Ўзбекистон халқ артисти бўлди”, — деб айтди. Бироз



Фармон ва ижро

Заргарлар фаолиятига кенг йўл...

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа вакиллари учун кенг имкониятлар яратишга қолмай, халқимизнинг азалий хунармандлик салоҳиятини дунёга намойиш этишда яна бир муҳим кадам бўлди.

Ўзбекистон ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташкил этилган давра суҳбати айнан ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти, ижросига бағишланди.

Дарвоқе, энди олтин, қумуш каби қимматбаҳо металл ва нодир тошлар билан яққа тартибда ишлайдиган хунарманд-тадбиркорлар ҳеч бир хавотирсиз қонуний тарзда эмин-эркин фаолият олиб боришлари мумкин бўлади. Бу ҳақда “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси раиси ўринбосари Нодир Мираҳмедов шундай деди:



— Маълумки, давлатимизда қимматбаҳо металллар билан ишлайдиган, заргарлик билан шуғулланидиган хунармандларимизга эътибор кам эди. Аниқроғи, бу фаолият тури аксар ҳолларда эркинлик деган нёмагга муҳтож эди. Мухтарам Президентимиз юқориди таъкидлаган Фармони билан шундай муаммонинг ҳал этилишини йўл очиб берди. Энг муҳими, заргарлар ўз фаолиятларини йўлга қўя олишлари учун шароит яратилади, кредитлар берилади. Келгусида ҳар бир вилоятда иккитадан, Тошкент шаҳрида эса 10 та заргарлик маркази ташкил этилади. Фармонга мувофиқ, тадбиркор-хунармандлар қимматбаҳо металлларни қонун асосида сотиб олиш, шунингдек, заргарлар ўз махсулотларини хорижда сотиш ҳуқуқига эга бўлишди.

— Яқин йилларгача яққа тартибда тилла буюмлар ясаш, савдоси билан шуғулланиш қонун билан жавобгарликка тортилишга сабаб бўларди, — дейди Ўзбекистон хунармандлар уюшмаси раис ўринбосари Ақобир Ҳақимов. — Давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантириш ҳақидаги Фармони тадбиркорларимизга айна мuddао бўлди.

Сайёра РИХСИЕВА



Семинар

Халқ фольклори санъатига бағишланди



21 май куни Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 8-болалар музика ва санъат мактабида "Бухоро халқ фольклори санъатининг ўзига хос хусусиятлари: кўшиқ ва рақсларни туркум тарзда ижро этиш ва яхлит ҳолда ўргатиш услублари, БМСМларнинг жараёнларга киритиш педтехнологиялари" мавзусидаги вилоят семинар тренинги бўлиб ўтди. Вилоятдаги барча болалар музика ва санъат мактаблари раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар иштирок этган ушбу тадбирни Бухоро вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Йўлдош Кенжаев очиб берди.

Анжуман давомида мактаб директори К.Тойировнинг мавзу бўйича маърузаси тингланди. Шундан сўнг мактаб ўқувчилари иштирокида концерт намойиш қилинди.

«Давоми, бошланиши ўтган сонда»

Қалдирғоч билан майна

Кўриниш

(Майналар узоқ учгани учун қуриб қолган даракта келиб қўнишади)

Ёш майна - Қалай, дўстим, чарчамадингми? Бир, беш, саккиз!

Қалдирғочбек - Бироз чарчадим, бир, икки, уч! Жуда узоқ учдик. Тоғлар устидан учиб ўтаётган маҳал қулаб тушимизга сал қолди, қўриқиб кетдим.

Ёш майна - Нима?.. Утил бола ҳам қўроқ бўлади? Мана, биздан ўрган, сента энг баланд, энг узоқ учиб сирларни ўргатамиз, ана шунда, қўрқмас, ажир бўласан.

(Шу пайтда Қалдирғочбекнинг қулоғига онасининг алласи эшитилади. У бирпас қўшиқни тинглайди)

Қалдирғочбек - Раҳмат сизга, дўстарим, аммо мен ортимга қайтсам дегандим... Уйда ойижоним, дадам хавотир оладилар.

Майналар сардори - Эҳ, сени қара-ю! "Ойижоним, дадам" эмиси. Шунга гап бўлди-ю! Эй!.. уларни унут! Янги ҳаёт бошла. Бугундан эълитборан Қалдирғочбек эмас, Майнабек бўлиб етишасан.

Қалдирғочбек - Қўлимдан келармикан-а?.. Майналар сардори - Қўлингдан келади, албатта. Ўта тез, ҳатто кўзга кўринмас, реактив даражада учиб сирларни ўргатамиз.

Қалдирғочбек - Реактив! Реактив! Реактив... Реактив дегани нима?

Ёш майна - Одамлар ўрнатган барча чегараларни бузиб киришга қодир бўласан. У ерда энг сара меваларни, улар бекитган қўш, нонларни топиб ейсан. Қалдирғочбек, қўрқма, ўзингни биз - энгилмас майналардек тут. Энг ширин мевани нишонга олиб уч, уни чўқилаб, мазза қилиб е. Одамларнинг шарпасини сезсанг, уларни чалгит, мевасиз дарахт шохлари, барглари орасига беркин-у, уларни майна қил.

Майналар сардори - Қани учибга таяйрландик... Олга!

(Майналар учиб кетганидан қийин, Она ва ота қалдирғочлар Қалдирғочбекни ахтариб қуриб қолган дарахт шохларига қўнади. Уни излашади)

Ота қалдирғоч - Болажоним!.. Темир қанотим, қаердасан?!.. Мана, унинг хидларини сезяпман. У мана шу ердалигига ишонаман. Қаердасан?

Ота қалдирғоч - Қаердасан, болажоним?!.. Балки болалардан сўрагимиз, болажонлар, Қалдирғочбек боламиз қаердалигини билишса, айтишар.

Ота қалдирғоч - Болажонлар, менинг боламини кўрмадингларми? Қалдирғочбекимни кўрмадингларми?!

Болалар - У майналар билан учиб кетди... Мана бу томонга кетишди!

(Ота ва она қалдирғоч болаларга раҳмат айтиб, улар кўрсатган томонга қараб учишади)

VI кўриниш

(Майналар учиб келиб шафтолизорга қўнади) Ёш майна - Оҳ-оҳ-оҳ!.. Шафтоли дегани жуда

мазали экан-да, ҳамма мевани бир ўзим ейман... Бошқа бир майна - Нега ҳамма мевани сен ер экансан? Мендан ортиб қолса ейсан...

(Буни кўрган Қалдирғочбек уларга эркаланади) Қалдирғочбек - Мана бу жойни мен эгалайман. Бу жой меники! (Ўзича майналарга бўйруқ беради) Энди мен нима десам, айтганимни бажаришларинг керак. Акс ҳолда сизларни маконимдан ҳайдаб юбораман!!! Ҳўш, қандай чикди овозим?..

Ёш майна - (Ҳазилни тушунмаган ёш майна унга ўқталади) Ҳозир кўзингни чўқиб, кўр қиламан. Сен бизга бошлққ бўлиб қолдингми? Сен жасур Майнабек эмассан, қилтириқ, ожиз Қалдирғочсан!!!

Қалдирғочбек - Йўқ, йўқ, мен майнаман!.. Мен сизлар билан ҳазил қилиб ўйнамоқчи эдим! Сизларга ўхшаб майна бўлишни хоҳлайман.

Иккинчи майна - Қорин очлигида ҳазил?.. Сента ҳозир ҳазиллашишни кўрсатиб кўзимиз!

Майналар - Ҳозир майналигингни кўрсатасан. Қани, майналар!

(Қалдирғочбекни майналар чуғурлашиб чўқиб бошлашади ва турган жойидан ҳайдашади. Қўшларнинг овозидан уйғониб кетган олғир мушук аста-секин даракта чиқиб кела бошлади. Қалдирғочбек уни кўрмайди. Мушукни кўрган майналар учиб кетишади)

Қалдирғочбек - (Базўр ўзига келиб) Ҳой, қаёққа кетяпсизлар? Мени ташлаб кетманлар, ахир ўзларинг дунёни кўрсатаман, эркин қўш бўлиб учасан, ҳамма нарса сеники бўлади, дегандинглар-ку?!

(У чўқоқчи бўлади, аммо ҳамма жойи зирқираб оғриб, уюлмайди.)

Қалдирғочбек - (Мушукни кўрмай) Вой, қанотим, вой, оёғим. На учиб бўлади, на юриб бўлади. (У ўзини билмай алаҳсирай бошлади) Йўқ-Йўқ!.. Мен майналарнинг энг зўриман, мен учушим керак!.. Вой... Мен қандай бўлмасин барибир учушим керак!.. (У алаҳсирай нима деяётганини, на қулишини, на йиғлашини билмай қўйлади.)

Мен... мен, майнаман, майнаман, Қанотларим... ҳеч толмас... Олис-олис... учаман... Дунёни... мен кўраман...

Олғир мушук - (Унинг қўшиғига қўшилиб) Сен майнасан, мен мушук, Сен бўлдинг менга тушлик! Миё-в..! Миё-в..! (Мушук овози акс-садо билан янгради)

Қалдирғочбек - (Ўзини билмай) Кел, дўстим, майна..! Биргаллашиб учамиз, дунёларни кўрагимиз.

Олғир мушук - Ҳа-ха-ха, мя-ов! Бошинг айланиб менинг тузоғимга тушибсан-ку! Қандай яхши, қийналмасдан паққос тушираман! Ўзиям баррагина экан!!! (Қўшиқ айтиб, қалдирғочни ўткир тирноқлари билан уйнайди)

Мен мушукман, мушукман, Қўзи алов, тили ялов,

Мен олғир мушукдирман, Шу ерда подшоурман!

Миёв! Миёв-миёв-миёв! Тирноқларимдир ilmoқ, Мана бу думим қармоқ, Думим жуда сеҳргар Барча ишимда ҳамроҳ.

Миёв! Миёв-миёв-миёв! (Олғир мушукнинг қийноғидан Қалдирғочбек бақриб юборади. Бундан завқланган мушук баттар шу ишни такрорлайди)

Қалдирғочбек - Ойижон..! Дадажон..! Ердан беринглар!.. Вой!.. Вой!.. (Қалдирғочбекнинг овозини эшитган ота-онаси ва барча қалдирғочлар учиб келишади. Улар мушук билан қурашиб, уни ҳайдашади)

Она қалдирғоч - Бу менинг болам Қалдирғочбек-ку!.. Қаерларда юрибсан, кўкси оппоқ болажоним? (Она боласини бағрига босади)

Қалдирғочбек - (Ўзига келмай...) Менинг исмиМ Майнабек.

Учшимга ердан бер. Ойижоним, дада бул, Дадажоним, кўмак бер.

Она қалдирғоч - Сенинг исмиңг Қалдирғочбек, болажоним... (Боласи алаҳсираётганини кўриб, ўзига келтириш учун алла айтади, барча қалдирғочлар аллага жўр бўлишади)

Алла, алла, алла-ё, Қалдирғочим алла-ё

Кўкси оппоқ қалдирғоч, Қўзларингни катта оч. Ой нурха уйиңга қайт, Яна қўшигингни айт.

Қалдирғочбек - (Онасининг алласини эшитиши билан аста-секин ўзига кела бошлади) Ойижон, мен қаердаман?.. Оҳ... Кўчоғингиз бунчалар иссиқ! Ойижон... Дадажон, мени кечиринг! (У қанотларини катта ёзиб, чуқур-чуқур нафас олади) Ҳозир шунчалар энгилманки... (У тўлқинланганидан қўшиқ айтади)

Кўёш нури қўрдим мен, Исиклигин сездим мен. Ватанимнинг қийдини, Ота-онанда кўрдим мен. Юртим яхши кўраман, Биланд уйлар кураман. Полапонмас, половонман, Қўрғонимга посбонман.

Она қалдирғоч - Қалдирғочбек, кеч бўлса-да, хатосини тушуниб етди. Қоққилгани суяш - яхшиларинг иши.

Ота қалдирғоч - Сен майналарга эргашиб, она юрт боғларини пайҳон қилдинг. Қалдирғоч номига, шаънига доғ туширдинг. Оқибатда оёғинг лат еди, қанотинг синди. Сенинг бу қўлимшингни юртимиз қушлари кечирармикан?..

Қалдирғочбек - Ойижон, дадажон, мени



кечиринг.

Ота қалдирғоч - Сен кечиримни мана бу болажонлардан, қушлардан сўра!

Қалдирғочбек - Ҳой юртимнинг барча қушлари, азиз болажонлар, мени кечиринглар?.. Мен энди ҳеч қачон ота-онамининг сўзини ерда қолдирмайман ва айтганидан чиқмайман. Сизларга сўз бераман, кечиринглар! Кечирасизларми?..

Болажонлар - Кечирамиз!!!

Қалдирғочбек - Мен адашдим, қилган ишимдан пушаймонман. Осмонни тинч, барча қушлари меҳрибон юрт - бу ўзбек диёри экан. Унинг тупроғи кўзимизга тўтиё бўлсин. У менинг жонажон Ватаним!

(Барча қалдирғочлар қўшиқ айтиб қўйлашади) Қалдирғочбек - Кап-катта бўлиб қолдим, Қалдирғочлар - Бўлиб қолдик.

Қалдирғочбек - Учшини билиб олдим, Қалдирғочлар - Билиб олдик.

Қалдирғочбек - Мен осмонга учаман, Қалдирғочлар - Биз учамиз.

Қалдирғочбек - Сўнг қуёшни қучаман, Қалдирғочлар - Биз қучамиз.

Она қалдирғоч - Темир қанот полапон, полапоним, Онанг сента гиргиттон, гиргиттоним, Ҳамма - Қўрғонингда уч, яйра, уч яйра, Жаннат юртингда сайра, хўп сайра. Қўрғонингда уч, яйра, уч яйра, Жаннат юртингда сайра, хўп сайра.

ВII кўриниш

Нодир - Ҳўш, азиз болажонлар, эртагимиз сизга ёқдими?!

Юлдуз - Менинг жажжи укажон ва сингилжонларим, хар ким ўз юртининг тарихини билмаса, унинг қадрига етмаса, ёмон ишларга аралашса, Қалдирғочбекдек адашиб қолади.

Нодир - Шу қўйга тушмаслик учун болажонлар аъло баҳоларга ўқиши, чуқур билимга эга бўлиши, китобни доимо яхши кўриши зарур бўлади.

Юлдуз - Ватан остонадан бошланади. Сиз, азиз болажонлар, Ватаниннг келажакисиз.

Нодир - Ватанини, осмону боғларни, анхору сувларни, дўстларни қўз қорачиғидек асрашни ўрганинг.

Юлдуз - Раҳмат, кичик дўстларим. Сизга соғлиқ, бахт-омад тилаб қоламиз. Қўришунча хайр!

Муассар ШОДИЕВА, Республика эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси

Тавзиянома

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик жиамоси Тавлим муассасалари ва тармоқларни методик таъминлаш бошқармаси бошлиғи бошлиғи Собир Ҳайитқулович Мадиева онаси УРИНГУЛ МАХМАТҚУЛОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик жиамоси Тавлим муассасалари ва тармоқларни методик таъминлаш бошқармаси бошлиғи бошлиғи Собир Ҳайитқулович Мадиева онаси УРИНГУЛ МАХМАТҚУЛОВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кундуз МИРКАРИМОВА ВАФОТ ЭТДИ Ўзбекистон халқ артисти, Мукаррама Турғунбова номидаги мукофот ва "Дўстлик" ордени соҳибаси, балетмейстер ва педагог Кундуз Миркаримова 11 июнь куни 94 ёшида вафот этди. Кундуз Миркаримова 1925 йил Тошкентда туғилган. "Баҳор" ансамбли бадий раҳбари (1979-1988), Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби профессори (1996) бўлган раққоса "Ғайратли қиз", "Катта ўйин", "Хоразмча рақс", "Уйғурча рақс", "Рохат", "Жонон", "Най навоси", "Баҳор тонги", "Тановор", "Занг ўйин", "Помирча рақс", "Дилдор", "Гулруҳ", "Гулноз" каби мумтоз, халқ, замонавий ва бошқа халқлар рақсларини маҳорат билан ижро этган. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик жиамоси Тавлим муассасалари ва тармоқларни методик таъминлаш бошқармаси бошлиғи бошлиғи Собир Ҳайитқулович Мадиева онаси УРИНГУЛ МАХМАТҚУЛОВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманиннг оила аъзолари, шоғирдлари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилояти музикали драма театри жиамоси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Жавлон ТОШХУҲАЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилояти музикали драма театри жиамоси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Жавлон ТОШХУҲАЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кўрик-танлов

“Номоддий меросимиз – миллий бойлигимиз”



Андижон вилояти Избоскан туманида 30 майдан худудий маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида “Номоддий маданий меросимиз – миллий бойлигимиз” мавзусида фольклор-этнографик жамоаларнинг кўрик-танлови ўтказилмоқда. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш

концепциясига асосан туман ҳокимлиги, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши ва маданият бўлими ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур кўрик-танловларда Избоскандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари

ҳаваскорлари халқимизнинг миллий кўшиқлари, лапарлари ва урф-одатлари акс этган сахна кўринишларини моҳирона намойиш этиб келмоқдалар. Кўрик-танлов туман маданият бўлими ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилмоқда.

Б.ЖУМАЕВ

Эълон

“AUTO AUCTION CENTRE” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 717 ВВА бўлган “Каптив”, бошланғич баҳоси – 142 901 180 (бир юз қирқ икки миллион тўққиз юз бир минг бир юз саксон) сўм; 2) 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 169 УВА бўлган “ХУНДАЙ СОНАТА”, бошланғич баҳоси – 102 537 175 (бир юз икки миллион беш юз ўттиз етти минг бир юз етмиш беш) сўм ҳамда “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси харидларни бошқариш маркази филиали балансидаги 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 040 ХВА бўлган “Каптив

2”, бошланғич баҳоси – 172 882 487 (бир юз етмиш икки миллион саккиз юз саксон икки минг тўрт юз саксон етти) сўм. Аукцион савдоси 2019 йил 12 июль кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 11 июль кuni соат 12:00 да тўхтатилади. Юқоридagi автотранспорт воситалари 2019 йил 12 июль кuni сотилмаган тақдирда савдо 2019 йил 26 июль кунлари соат 15:00 да такроран бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охири мuddати 2019 йил 25 июль кuni соат 12:00 да тўхтатилади. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 банк кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шарт-

номасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини “AUTO AUCTION CENTRE” МЧЖнинг АИТБ “ИРАК YO'LI BANK” Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000300950272001, МФО:01101, СТИР:305901464. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар Миробод тумани Авлиё ота кўчаси, 13. Тел: (71) 252-55-10. Гувоҳнома №656179.

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2019 йил 18 июль кuni бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очиқ аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш. Чилонзор тумани Ислон Каримов шох кўчаси, 55-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 01/271ТВА, бошланғич нархи 17 814 286 сўм бўлган “НЕКСИЯ”; 1998 й. и/ч, д/р 01/269ТВА, бошланғич нархи 12 206 501 сўм бўлган “НЕКСИЯ”; 2008 й. и/ч, д/р 01/218ТВА, бошланғич нархи 14 323 961 сўм бўлган “ГА3-3102-801”; 2000 й. и/ч, д/р 01/267ТВА, бошланғич нархи 7 094 929 сўм бўлган “ВА3-2106” русумли; Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани “Кичик халқа йўли” кўчаси, 2-уйда жойлашган, “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “УЗМОБАЙЛ” филиали балансидаги 2007 й. и/ч, д/р 01/893DCA, бошланғич нархи 20 484 128,70 сўм бўлган “МАТИЗ” русумли; Тошкент ш. Миробод тумани “Кичик халқа йўли” кўчаси, 9-уйда жойлашган “Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчаси мулк кадастри” давлат корхонаси балансидаги 2011 й. и/ч, д/р 01/280ТВА, бошланғич нархи 44 350 622 сўм бўлган “ЕРИКА” русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда катнашиш учун бошланғич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридagi закат пули “TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO” МЧЖнинг АИТБ “Ипотекабанк” Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шarti юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидa сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафтaларнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзиларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзида бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-“А” уй, 3-қavat, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

“AUTO AUCTION CENTRE” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига “MIKROKREDITBANK” акциядорлик-тижорат банки бошқарувининг 2018 йил 19 сентябрдаги №85-1-сонли қарорига асосан; 1) Бошланғич баҳоси – 37 682 600 сўм бўлган 2007 й. иш. чиқ. дав. рақ. 01 205 УВА “ДАМАС” русумли автотранспорт воситаси ҳамда 2) бошланғич баҳоси – 38 277 412 сўм бўлган 2007 й. иш. чиқ. дав. рақ. 01 224 УВА “ДАМАС” русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2019 йил 28 июнь кuni соат 11:00 да бошланади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 27 июнь кuni соат 16:00 да тўхтатилади. Юқоридagi автотранспорт воситалари 2019 йил 28 июнь кuni сотилмаган тақдирда савдо 2019 йил 12 июль кuni соат 15:00 да такроран бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 11 июль кuni соат 12:00 да тўхтатилади.

Такрорий аукцион савдосига “TOSHBOZORSAVDO” Уюшмаси тугатиш комиссиясининг 2019 йил 23 январдаги 7-сонли ҳамда 2019 йил 23 апрелдаги 12-сонли йиғилиш баёнига асосан тугатиш комиссияси балансидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда; 1) Системный телефон “Samsung” (2 шт), бошланғич баҳоси – 37 524,38 сўм; 2) “Amphenol” S 77 E (4 шт), бошланғич баҳоси – 32 084,04 сўм; 3) “Кросс” S 66 (1 шт), бошланғич баҳоси – 29 573,11 сўм; 4) Кондиционер ART-12 HR “Avgora” (1 шт), бошланғич баҳоси – 396 985,76 сўм; 5) Гарнитур “Сиена” – 5 предметов (1 шт), бошланғич баҳоси – 627 929,26 сўм; 6) Кресло “Консул В” (1 шт), бошланғич баҳоси – 78 995,85 сўм; 7) Кресло “Косма Д” (2 шт), бошланғич баҳоси – 221 182,77 сўм; 8) Гарнитур “Котрас” (2 шт), 1 149 001,40 сўм; 9) Стол секретаря (1 шт), бошланғич баҳоси – 135 664,84 сўм; 10) Кресло руководителя (1 шт), бошланғич баҳоси – 420 837,86 сўм; 11) Массажное кресло (1 шт), бошланғич баҳоси – 1 107 855,66 сўм; 12) Стулья “Жозиба” (14 шт), бошланғич баҳоси – 46 513,66 сўм; 13) Сейф (1 шт), бошланғич баҳоси – 571 312,51 сўм; 14) Кресло “Каннес” (1 шт), бошланғич баҳоси – 780 764,97 сўм; 15) Кресло N 230 А (1 шт), бошланғич баҳоси – 332 240,41 сўм; 16) Телевизор “Samsung” 49 (руководства) (1 шт), бошланғич баҳоси – 1 209 908,84 сўм; 17) Копир. аппарат “Canon” IR 2318/IR 25 (1шт) 1 419 403,04 сўм; 18) Принтер “EPSON” L 800 (1 шт), бошланғич баҳоси – 364 322,38 сўм; 19) Система видеонаблюдения (1 комп), бошланғич баҳоси – 3 884 745,94 сўм; 20) Турникет напольный ТЭ 09 (1 ком) бошланғич баҳоси – 481 748,60 сўм; 21) Компьютер “Pentium Dual Core D3260” (1

комп) бошланғич баҳоси – 712 910,96 сўм; 22) Компьютер “Pentium Dual Core D4400 3,3” (2 комп) – 1 491 037,67 сўм; 23) Сканер “Canon Lide 120 scanner” (1 шт), бошланғич баҳоси – 185 168,66 сўм; 24) Тепловодосчётчик типа СВТУ-10М (1 шт), бошланғич баҳоси – 2 267 522,02 сўм; 25) Аквариум в компл. с аксесуарами (1 шт), бошланғич баҳоси – 3 341 347,39 сўм; 26) Ультразвуковой счётчик газа по учёту (1 комп) бошланғич баҳоси – 440 516,74 сўм; 27) Ковролан (78 кв/м) бошланғич баҳоси – 3 102 177,26 сўм; 28) Мини АТС “Samsung” (1 шт) бошланғич баҳоси – 107 411,77 сўм; 29) Конференц-стол “Эсте” (1 шт), бошланғич баҳоси – 761 384,25 сўм; 30) Шкаф гардеробный (2 шт), бошланғич баҳоси – 239 213,10 сўм; 31) Журнальный стол (1 шт), бошланғич баҳоси – 108 497,26 сўм; 32) Металлический шкаф (1 шт), бошланғич баҳоси – 210 476,05 сўм; 33) Сейф металлический огнеупорный S-30 (1 шт), бошланғич баҳоси – 165 708,43 сўм; 34) Мягкий мебель “Рояль” (1 шт), бошланғич баҳоси – 208 147,46 сўм; 35) Кресло N 201 (1 шт), бошланғич баҳоси – 447 818,04 сўм; 36) Стол офисный (1 шт), бошланғич баҳоси – 116 284,14 сўм; 37) Кресло для офиса (Иброҳимов) (1 шт), бошланғич баҳоси – 300 054,63 сўм; 38) Подставка под телевизор (1 шт), бошланғич баҳоси – 475 499,44 сўм; 39) Компьютер “Pentium Dual Core E 5700” (1 шт), бошланғич баҳоси – 524 875,62 сўм; 40) Принтер “Canon Laser Shot LBP 2900” (A4) (1 шт), бошланғич баҳоси – 302 388,61 сўм; 41) Системный блок AMD 2400 для отд. инвест (1 шт), бошланғич баҳоси – 401 966,61 сўм; 42) Компьютер “Pentium Dual Core D3220” (1 шт) бошланғич баҳоси – 682 956,72 сўм; 43) Автомат ворота и шлагбаум (1 комп)

бошланғич баҳоси – 6 057 327,51 сўм; 44) Конференц стол (1 шт), бошланғич баҳоси – 678 324,18 сўм; Жами бошланғич баҳоси 36 657 607,63 сўмдан иборат бўлган мол-мулклар ҳамда “MIKROKREDITBANK” акциядорлик-тижорат банки балансидаги бошланғич баҳоси 134 462 737 сўм бўлган 2013 й. иш.чиқ.дав. рақ. 01 439 DGA “МАЛИБУ” русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдоси 2019 йил 14 июнь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Юқоридagi автотранспорт воситаси 2019 йил 14 июнь кuni сотилмаган тақдирда савдо 2019 йил 28 июнь кuni соат 15:00 да такроран бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 27 июнь кuni соат 12:00 да тўхтатилади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 банк кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда 10 банк кун ичида тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини “AUTO AUCTION CENTRE” МЧЖнинг АИТБ “ИРАК YO'LI BANK” Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р:20208000300950272001, МФО:01101, СТИР:305901464. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар Миробод тумани Авлиё ота кўчаси, 13. Тел: (71) 252-55-10. Гувоҳнома №656179.

Тазиянома

Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти, театр режиссёри Баҳодир Йўлдошевга умр йўлдоши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ГУЛБАҲОР ЙЎЛДОШЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти, театр режиссёри Баҳодир Йўлдошевга умр йўлдоши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Йўлдошеванинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр ЖАВЛОН ТОШХҲАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг барча яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Театрлар фаолиятдан

“Она юраги”

Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида ёшлар маънавияти, дунёқарашини кенгайтириш, уларда Ватанга садоқат тушунчасини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар хил диний ва экстремистик оқимларга кириб кетишининг олдини олиш мақсадида Маҳмуд Комилжонов асари, Ҳасан Бурхонов режиссёр-



лигида “Она юраги” спектакли сахналаштирилди. Асарда турмуш қурганига уч ойгина бўлган йигит ҳаёти ҳиёя қилинади. Унинг диний оқим таъсирига тушиб, ёшгина оиласи, онаси, укасини ташлаб хорижга йўл олиши, бошига тушган турли кўргиликлар спектаклнинг асосий воқеаларини ташкил этади.



Ташаббус ижроси амалда



Устозларни эслаб...

7 июнь куни Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳамда шу мактабда ташкил қилинган “ВИА” вокал чолғулари ансамбли иштирокида “Устозларни эслаб...” деб номланган шоу концерти ташкил қилинди.



Марҳум устоз санъаткорлар — Ботир Зокиров, Мухриддин Холиқов, Охунжон Мадалиев, Ортиқ Отажонов репертуарларидан жой олган сара кўшиқлардан иборат концерт ташриф буюрган меҳмонларга манзур бўлди.



10 июнь куни туман марказида вилоят маданият бошқармаси томонидан “Асал” сайли фестивали ўтказилди. Шунингдек, 11 июнь куни Когон туманида вилоят Маданият бошқармаси Президентимиз илгари сурган беш ташаббус бўйича 9-мактаб ўқувчилари билан учрашув ўтказди.

Мозийдан садо

Тарихий ҳақиқатлар гувоҳи

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврларда азиз жонларини ватан озодлиги, топталган, ҳўрланган, оёқости қилинган халқнинг эрки ва ҳўрлиги учун фидо қилган ҳамюртларимиз кам бўлмаган. Шундай халқпарвар, эркесвар, юрт озодлиги ва раванки учун ўз жонини таҳликага қўйган инсонлардан бири, чор Россияси аскарларига қарши 1898 йилнинг май ойида бўлиб ўтган ва тарихга “Андижон кўзғолони” номи билан муҳрланган халқ озодлик ҳаракати йўлбошчиси Муҳаммадали (Дукчи) Эшондир.



1898 йили рўй берган воқеа халқимиз тарихида “Андижон кўзғолони” деб аталган бўлса-да, аслида бутун Фарғона водийси ва унга қўшни ҳудудларни ҳам қамраб олган. Бу кўзғолон Туркистон халқлари орзу қилган истиқлол ва мустақиллик йўлида чоризмга қарши жиддий ҳаракатлардан бири эди. Шўролар даври тарихшунослигида ушбу кўзғолоннинг асл моҳияти очиб берилмади ва фақат коммунистик фирқа мафқурасига мос ҳолда ёритилиб, унинг раҳнамоси Муҳаммадали халфа Эшон шайхига ҳам ноҳўя гаплар айтилгани ҳеч кимга сир эмас. Ваҳоланки, Муҳаммадали халфа диний ва дунёвий илмлар эгаси бўлиб, кўп юртларни кезган, асарлар ҳам ёзган.

Муҳаммадали Эшон ҳамда Андижон кўзғолони тўғрисида кўлаб асарлар ва мақолалар ёзилган. Кўзғолоннинг ўзига хос томонлардан бири шуки, қўлида пичоқ, болта каби рўзгор анжомлари билан қуролланган озодлик курашчилари Андижон қалъасига ҳужум қилишади. Ваҳоланки, ўша давр ҳисоб-китоби бўйича, Андижон қалъаси энг мустаҳкам стратегик объектлардан бири бўлиб, у 1878-1882 йиллар давомида Андижон — Ўш йўли ёқасида бунёд этилган. Қалъа 4-4,5 гектар ерни эгаллаб, олтига казарма биноси, қурол-аслаҳалар омборхонаси, отхона, гауптвахта каби бинолари бўлган. Қалъа деворларининг бўйи 10 метр, қалинлиги 4-5 метр, юқори қисми кунгурали, ўқ отишга мўлжалланган уч қатор махсус тешиклар бўлган. Асосий кириш қисми зинали бинога кенглиги 3 метрли ёғоч дарвоза орқали қирилган. Девор қатлами квадрат ҳажмли мусул-

мон ва тўрт бурчакли рус пишиқ гишти билан пахса услубида урилган.

Қалъада 20-Туркистон асосий мунтазам батальони 4-ротасининг 3-ва 5-взвод жангчилари жойлашган. Генерал-лейтенант Скобелев буйруғи билан қалъадан эски шаҳарга тўғри йўл қилиниб, у кўча Скобелев номи билан аталган.

Умуман олганда, қалъа биринчидан, Ўш томондан келишдаги шаҳарнинг рамзий дарвозаси, ҳарбий истехкомки, мудофаа кўргони вази фасини бажарган бўлса, иккинчидан шаҳарда юзага келиши мумкин бўлган кўзғолонларни бостириш имконини берган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Чор ҳукумати босқини натижасида Андижон шаҳри икки қисмга: яъни янги ва эски шаҳарларга бўлиниб қолди. Эски шаҳарда маҳаллий аҳоли истиқомат қилган бўлса, янги шаҳарда европа миллатига мансуб аҳолига янги шаҳар бунёд этилди. Энг кизиги, янги шаҳар архитектураси ҳам айнан Андижон қалъасига монанд равишда режалаштирилган ва бунёд этилган. Қалъанинг атрофига ҳатто бир неча қақиримгача дарахт экиш ҳам ман этилган, шу билан бирга бино атрофида кўлаб ҳандақлар қазилган.

Шундай бўлса-да, озодлик ҳаракатчиларининг қалъага кириб, бир қанча рус босқинчиларини қатл қилгани бутун чор ҳукуматини ларзага солди. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг кўзғолончилардан ваҳшиёна, ҳеч кимни аямаган ҳолда қасос олгани аччиқ тарихий ҳақиқатдир. Кўзғолондан сўнг

қалъа мудофааси янада кучайтирилди, қўшимча бир қанча ер ости йўллари қазилди.

1917 йил октябрь инқилобидан сўнг қалъа собиқ қизил армия қўлига ўтди. 1919 йил 19-27 сентябрь кунлари 400 та қизил аскар ва кўнгилчилар қалъани ҳимоя қилишган. Ўшанда “босмачилар” номи билан аталган 700 нафардан зиёд миллий озодлик ҳаракатчилари қалъага ҳужум уюштиришган ҳамда уни қамал қилишган. Бирок Фарғонадан келган ёрдам кучи туғайли қизиллар устун келган.

1924 йилдан сўнг қалъа ер-сув ислоти даврида меҳнат қуроллари сотиб олиш учун деҳқонларга қарз бериш ширкатига айланди. 1930-йиллардаги кулоқлаштириш сиёсати вақтларида бу ерда махсус штаб ташкил этилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса мазкур бинода ҳарбий комиссариатнинг бир қисми, снайперлар мактаби ташкил этилган. Кейинчалик бу ерда ДОСААФ ва спорт кўмиталари фаолият кўрсатган. 1950 йилларга келиб қалъанинг бўш турган ерлари собиқ иттифокнинг уруш бўлган ҳудудларидан эвакуация қилинганларга бошпана сифатида тақсимлаб берилган.

1960 йилларда Андижон — Ўш массиви қурилиш натижасида тушган қатта йўл тарихий ёдгорликка айланган қалъанинг шарқий қисмидан кесиб ўтган ва обидага қатта зиён етказган. 1985-86 йилларда бино лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида Андижондаги “Меъмор” таъмирлаш устанонаси томонидан қайта тикланган. Қалъанинг қатта дарвозаси ва ички эшиклари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Пахтаобод туманида истиқомат қилувчи ёғоч ўймақори Тешабой Исмоилов томонидан таъмирланган. Лекин бизгача қалъа обидасининг фақат бир қисми ва маҳобатли деворларининг учдан бир қисмигина сақланиб қолган, ҳоло. Ҳозирги кунда обидада Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг “Тасвирий санъат” бўлими фаолият кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, Қўқон хонлиги буткул тугатилгач, Чор ҳукумати томонидан Андижон, Наманган ва янги Марғилон — ҳозирги Фарғона шаҳарларида қалъалар бунёд этилган. Улар орасида фақат Муҳаммадали Эшон бошчилигида ўтган Андижон кўзғолонининг гувоҳи бўлган қалъагина қисман сақланиб қолган.

Ҳукуматимизнинг кейинги йилларда музейлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилаётган норматив қонуности ҳужжатларига асосан мазкур обида тўлиқ таъмирланиб, бу ерда “Ватанпарварлар” бўлими ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

А.ПОЗИЛЖОНОВ,
Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи тарих бўлим мудири

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир: Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Мухаббат Шарифова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Содиқова

Адади - 9 585 Буюртма - Г - 627

Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмахонага топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.00

1 2 3 4 5